

Сухроб БЎРОНОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар”
кафедраси таянч докторанти

“МОЗОРИ ШАРИФ-ҲИРОТ” ВА “МОЗОРИ ШАРИФ-КОБУЛ-ПЕШОВАР” ТЕМИР ЙЎЛ ЛОЙИҲАЛАРИ ГЕОСИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Давлатимиз томонидан белгиланган ташқи сиёсий ва иқтисодий стратегик вазифалар ижросида Афғонистонни иштироки асосий ўринни эгаллайди. Негаки, Афғонистон мамлакатимиз учун фақатгина барқарор минтақа кафолати бўлиб қолмасдан, барча турдаги маҳсулотларга ҳаётий зарурати бўлган катта бозор ҳамдир. Ўзбекистон Афғонистонда нафақат транспорт соҳасида, балки энергетика ва инфратузилмаларни ривожлантиришда ҳам жуда катта тажриба ва салоҳиятга эга. Бундай тажриба, шубҳасиз, муҳим устунлик ва янги лойиҳаларни амалиётга кенгроқ жорий этиш имкониятини тақдим этади. Бугунги Афғонистондаги вазият олдингисидан анча фарқ қилишини инобатга олган ҳолда давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган замонавий трансфғон лойиҳаларини стратегик аҳамияти, геосиёсий хусусиятлари ва бу билан боғлиқ истиқболдаги муаммоларни таҳлил этиш долзарб вазифалар сирасига киради.

Калит сўзлар: Трансфғон коридори, “Ҳайратон-Мозори Шариф”, “Мозори Шариф-Ҳирот”, “Мозори Шариф-Кобул-Пешовар”.

КИРИШ

Бугунги кунда Афғонистон иқтисодиётини тиклаш, минтақавий савдо-сотик, транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва ушбу жараёнларда Ўзбекистоннинг ўрнини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислом Республикаси (АИР) Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг Қўшма баёнотида томонлар Афғонистонда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга келишиб олдилар:

- “Трансфғон транспорт йўлаги” доирасида “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл линиясини барпо этиш;

- Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидан Афғонистоннинг Пули Хумри шаҳригача 500 кВ бўлган “Сурхон-Пули Хумри” электр узатиш линиясини барпо этиш;

- Кобул ҳалқа йўли, “Қайсар-Ламан” йўли, “Саланг” туннелини қайта таъмирлаш ва бошқалар¹.

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev va Afg‘oniston Islom Respublikasi Prezidenti Muhammad Ashraf G‘anining Qo‘shma bayonoti. <https://mfa.uz/uz/press/news/2017/12/13301/>

Ўз-ўзидан равшанки, трансфғон коридорини замонавий воқеликка айлантириш юқоридаги келишувларни ижросини юқори савияда таъминлаш билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон ташқи сиёсатида юз бераётган кенг ўзгаришлар жараёни Афғонистондаги лойиҳаларни кенгроқ мезонларда ўлчашни ҳамда геосиёсий манфаатлар нуқтаи назаридан баҳолашни тақозо этади

Ўзбекистон трансфғон лойиҳалари борасида ҳеч қайси давлат эга бўлмаган имконият ва тажрибага эга. Жумладан, тадқиқотчи А.Ибраимова ўз номзодлик ишида Эрон портларига муқобил Ҳинд океанига чиқадиган йўналиш ҳақида ёзар экан, ҳақли равишда жуда муҳим бир далилни келтириб ўтади: “Ўзбекистон Афғонистон билан транспортнинг барча турлари орқали боғланган минтақадаги ягона давлатдир. Шунга кўра, бу йўналишдаги асосий юк оқими мамлакатимиз орқали ўтиши ва Термиз йирик халқаро транспорт тугунига айланиши мумкин”². Ўзбекистоннинг Афғонистонда транспортнинг барча турлари орқали боғланганлиги истиқболда Эрон ва Покистон портларига нафақат темир йўл, балки автомобил, қувур йўллари ҳамда ҳаво транспорт тармоқлари орқали ўз транзит юкларини барча йўналишларга қулай ташиш салоҳиятини вужудга келтиради. Геосиёсий жиҳатдан эса, бу минтақалараро доирада Ўзбекистоннинг нуфузи янада ортиб, унинг трансминтақавий алоқалар тизимида ўзига хос муҳим халқа бўлишига замин яратади.

Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йил декабрь ойида Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида умумий қиймати 500 млн. доллардан зиёд бўлган 40 дан ортиқ экспорт шартномаси имзоланди. Айниқса, ҳужжатлар орасида “Ҳайратон-Мозори Шариф” темир йўлини узайтираган “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўлини куриш бўйича имзоланган келишув стратегик аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “бу лойиҳа Афғонистон иқтисодиётини тиклаш учун аниқ ва амалий ҳисса бўлиб қўшилади, янги иш ўринлари яратади ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширади. Трансфғон транспорт-коммуникация лойиҳалари бўйича ишларнинг шу каби катта аҳамиятга эга бўлган “Ўзбекистон – Туркменистон–Эрон–Уммон” ва “Ўзбекистон–Қирғизистон–Хитой” каби бошқа минтақавий лойиҳалар билан узвий боғлиқ ҳолда бошлангани Шимолдан Жанубгача ҳамда Шарқдан Ғарбгача бўлган барча йўналишларда қитъалараро транспорт коридорларини энг қисқа йўллар билан ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади”³.


“Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл лойиҳасининг умумий узунлиги 657 км бўлиб, у Марказий Осиё давлатларини Афғонистоннинг Мозори Шариф-Жаузжон-Фарёб-Бодғис-Ҳирот вилоятлари⁴ орқали Жанубий Осиё билан боғлайдиган темир йўл коридорининг узвий қисми ҳисобланади.

² Ибраимова А.А. Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиё давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларининг географик жиҳатлари. Геог. фан. ном. дисс. – Т.: 2012. – Б.97.

³ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.369-370.

⁴ Implementation of Mazar-e-Sharif_Herat Railway Project.

<https://ara.gov.af/en/implementation-mazar-e-sharifherat-railway-project>



“Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл линияси

Геосиёсий имкониятлар, муаммолар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл лойиҳасини “SWOT” таҳлил этиш унинг истиқболи ҳақида кенгроқ тасаввур қилиш имконини беради.

1 жадвал

“Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл лойиҳаси “SWOT” таҳлили

КУЧЛИ ЖИҲАТЛАР (STRENGTHS)	ЗАИФ ЖИҲАТЛАР (WEAKNESSES)	ИМКОНИЯТЛАР (OPPORTUNITIES)	ТАҲЛИКАЛАР (THREATS)
Афғонистонда темир йўл қуриш бўйича Ўзбекистон (Ҳайратон-Мозори Шариф) ва Эрон (Ҳирот-Ҳаф) томонларининг улкан тажрибаси мавжудлиги;	Лойиҳа асосан икки томонлама доираларда (Ўзбекистон-Афғонистон, Ўзбекистон-Эрон, Ўзбекистон-АҚШ, Ўзбекистон-Хитой) муҳокама қилиниши;	Афғон халқининг доимий иш билан таъминланиши ва турли афғон қабилалари ўртасида қуроли қарама-қаршилиқни тўхтатиш имконияти;	Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият ва қафолатланмаган ҳавфсизлик;
Марказий Осиё давлатлари тўғридан-тўғри ҳамда қисқа масофада Чобаҳор ва Бандар Аббос портларига чиқади;	Лойиҳани молиялаштириш масалаларининг ниҳоясига етказилмагани;	Афғонистон ижтимоий-иқтисодий тикланиши ва мамлакат учун бир вақтининг ўзида ҳам Эрон, Европа, ҳам Марказий Осиё, Россия ва Хитой бозорларига чиқиш имконияти;	Толибон ва бошқа гуруҳларнинг темир йўлга ҳужум уюштириши ва сиёсий таъсир қуроли сифатида фойдаланиши;
Иқтисодий жиҳатдан тежамкор (1 т. юкни	Лойиҳага муқобил вариантларнинг	Ўзбекистонни энг яқин масофадаги Форс кўрфази, Ҳинд	Темир йўл орқали ноқонуний қурол-яроғлар,

Ўзбекистон чегарасидан Бандар Аббосга етказилиши Сарахс орқали ташилганга нисбатан 10-12 долларга арзон тушади) ⁵ ;	таклиф этилиши (Колхозобод-Қуйи Панж (Тожикистон)- Кундуз-Мозори Шариф-Ҳирот (Афғонистон) - Бандар Аббос (Эрон) темир йўли);	океани ва Европа портларига олиб чиқади;	наркотик ва психотроп моддаларни олиб ўтиш хавфи;
Ўзбекистон– Туркменистон– Эрон–Уммон йўлаги ва Ўзбекистон– Қирғизистон–Хитой темир йўл тармоқлари ҳам ушбу лойиҳа билан боғланиши мумкин;	Темир йўл изларининг стандартлари мувофиқ эмаслиги (Ўзбекистонда 1526 мм., Эронда 1435 мм.);	Марказий Осиё давлатлари минтақавий интеграцияси ривожланишини таъминлайди;	Афғонистонд аги геосиёсий рақобат, ташқи кучларнинг Афғонистон ички ишларига тўғридан-тўғри аралашуви;
Афғонистоннинг ижтимоий-иктисодий инфраструктураси тикланади, аҳоли янги иш ўринлари билан таъминланади, мамлакат транзит улушидан катта даромад топади;	АҚШ ва Эрон ўртасидаги можароларнинг кучайиши шароитида Афғонистонда катта таъсир кучига эга бўлган АҚШнинг лойиҳани амалий қўллаб-қувватламаслиги эҳтимоли;	“OBOR” лойиҳаси, “Шимол-Жануб” коридори, TRASECA транспорт коридорлари ўзаро боғланиб, трансминтақавий алоқалар ривожига туртки беради;	Афғонлараро музокаралар жараёнининг чўзилиб кетаётганлиги;
“Толибон” ҳаракатининг лойиҳага катта қизиқиш билдираётганлиги;	Лойиҳани амалга оширишда таваккалнинг юкори эканлиги	Эрон учун санкцияларга қарши курашиш имконияти;	Муқобил темир йўл лойиҳалари бўйича турли даражадаги музокаралар олиб борилиши;
Афғонистон тинчлик жараёнида минтақавий консенсус яратиши			Лойиҳани молиялаштиришнинг узоқ муддатга чўзилиши


Замановий трансфғон лойиҳалари ҳақида сўз юритганда Ўзбекистон ташаббускор бўлган яна бир лойиҳани қайд этиз жоиздир. 2018 йил 3-4 декабрда Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон темир йўл идораси раҳбарларининг Тошкентда учрашиб, томонлар ўртасида “Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўлини бўйича молиявий консорциум ва қўшма ишчи гуруҳини ташкил этиш бўйича Протокол имзоланди⁶. “Мозори

⁵ Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмининг такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (Doctor of Science) дисс. – Т.: – Б.150.

⁶ New transport corridor, new opportunities and large-scale prospects.

Available at:http://www.railway.uz/en/informatsionnaya_sluzhba/novosti/12643/

Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўли Марказий Осиёни Жанубий Осиё билан Афғонистон орқали боғлайдиган темир йўл линияси ҳисобланади. Ушбу темир йўл лойиҳаси тақдимотчиси У.Ибрагимов лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берар экан, “Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўли истиқболда 4305 км. масофадаги Россия-Қозоғистон-Ўзбекистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон транспорт коридорининг барпо этилишига хизмат қилиши мумкин. Мазкур темир йўл Афғонистоннинг Мозори Шариф-Бағлон-Кобул ва Покистоннинг Торхам ҳудудлари орқали ўзаро боғланади. Темир йўлнинг Афғонистон ҳудудидаги умумий масофаси 573 км. бўлиб, пойтахт Кобул йўналишлари боғловчи тугунга айланиши, шу боисдан истиқболда ушбу темир йўл йўналишлари “Кобул коридори” деб номланмоқда.



“Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўли (Кобул коридори) йўналишлари

У.Ибрагимовнинг маълум қилишича, темир йўлнинг Сурхон-Пули Хумри-Доши-Сурабай-Жалолобод-Торхам йўналиши электрлаштирилиши режалаштирилгани, ўз навбатида, Мозори Шариф ва Торхамда логистика марказлари ташкил этилиши интермодал транспорт (темир ва автомобил йўллари) тизими учун стратегик аҳамият касб этади⁷.

“Кобул коридори” бўйлаб ўтадиган йўналишларнинг стратегик хусусияти шундан иборатки, у нафақат темир йўл, балки автомобил ва ҳаво йўллари сингари транспорт воситалари билан ҳаракатланадиган мултимодал коридор ҳисобланади.

⁷ Ibragimov U.N. Transport Corridor Russia-Kazakhstan-Uzbekistan-Afghanistan-Pakistan. Available at: <http://transport-koridori.blogspot.com>.



“Мозори Шариф (Афғонистон) – Торхам (Покистон)” автомобил йўли
 “Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўл лойиҳасини ҳам SWOT таҳлили ёрдамида ўрганиш лойиҳа истиқболини холисан баҳолаш ва шу орқали “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл лойиҳаси билан қиёсий таҳлил этиш имконини беради.

2 жадвал

**“Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўл лойиҳаси (Кобул коридори)
 “SWOT” таҳлили**

КУЧЛИ ЖИҲАТЛАР (STRENGTHS)	ЗАИФ ЖИҲАТЛАР (WEAKNESSES)	ИМКОНИАТЛАР (OPPORTUNITIES)	ТАҲЛИКАЛАР (THREATS)
Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларини ҳал этади;	Лойиҳа бўйича барча давлатларни ўз ичига олган юқори даражадаги учрашув ташкил этилмагани ёки юқори даражада (давлат раҳбарлари ёки вазирлар даражасида) кўп томонлама шартномавий-ҳуқуқий ҳужжат имзоланмагани;	Афғон халқи доимий иш билан таъминланади (марказий шаҳарлар ва вилоятлар ўзаро боғланади);	Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият ва кафолатланмаган хавфсизлик;
Темир йўл лойиҳасининг иштирокчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиши;	Лойиҳани молиялаштириш масалаларининг ноаниқлиги;	Иштирокчи давлатларнинг транзит давлат сифатидаги роли кучайиб, транзит улушидан катта даромад кўради;	Толибон ва бошқа гуруҳларнинг темир йўлга ҳужум уюштириши ва сиёсий таъсир қуроли сифатида фойдаланиши;
Замонавий темир йўл куриш бўйича инновацион тажрибага эга Хитой	Лойиҳага Ҳиндистон томонини расмий равишда жалб	Марказий Осиё давлатлари янги жаҳон бозорларига чиқиши,	Темир йўл орқали ноқонуний қурол-яроғлар, наркотик ва

томонининг лойиҳада иштирок этишга тайёр эканлиги (ШХТнинг барча аъзо давлатларини камраб олиши);	этилмагани;	натижада уларнинг Россия ва Хитойга бўлган иқтисодий боғлиқликлари камайиши;	психотроп моддаларни олиб ўтиш хавфи;
Марказий Осиёнинг барча давлатларини Жанубий Осиё портларига олиб чиқадиган энг қисқа йўналиш эканлиги;	Темир йўл масофасининг узун эканлиги (тахминан 4305 км.) ёки Россия ва Қозоғистон томонларининг бошқа темир йўл йўналишлари билан қаноатланиши;	Кобул коридорининг мултимодал транспорт (темир йўл ва автомобил йўли) хусусиятга эга эканлиги;	Афғонистонд аги геосиёсий рақобат, ташқи кучларнинг Афғонистон ички ишларига тўғридан-тўғри аралашуви (АҚШ томонидан монелик кўрсатилиши);
Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган фаол темир йўл дипломатияси;	Темир йўл изларининг стандартлари мувофиқ эмаслиги (Ўзбекистонда 1526 мм., Покистонда 1676 мм.);	Темир йўл лойиҳасининг электрлаштирилиши;	Афғонлараро музокаралар жараёнининг чўзилиб кетаётганлиги;
Кобул коридоридан ташқари Афғонистон орқали Жанубий Осиё бандаргоҳларига энг яқин масофада чиқишга мўлжалланган муқобил темир йўл лойиҳасининг мавжуд эмаслиги	Афғонистоннинг ноқулай табиий географик рельефи (баланд тоғлар, довонлар)	Афғонистон ва Покистон чегара муаммоларини музокаралар орқали ҳал этишга туртки беради	Афғонистоннинг тоғли ҳудудларида кўчки хавфининг тез-тез содир бўлиб туриши

Умуман олганда, Ўзбекистон Ҳинд океани портларига чиқиш йўлида катта дипломатик саъй-ҳаракатларни кучайтирмоқда. Айниқса, трансфғон лойиҳалари билан боғлиқ масалаларда турли геосиёсий манфаатларга эга давлатларнинг барчаси билан музокаралар олиб бормоқда. Мустақил эксперт Фозил Машраб трансфғон темир йўл лойиҳалари доирасида Ўзбекистоннинг АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Покистон давлатлари билан олиб борган музокаралар жараёнини таҳлил этиб, уни темир йўл дипломатияси деб номлайди. Айниқса, муаллиф мақоласида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга расмий ташрифи давомида “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл лойиҳасини Чобаҳор келишуви билан боғлаш хусусидаги музокаралардан роппа-росса бир ой ўтиб, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация Покистон Бош вазири Имрон Хон билан

икки мамлакатни Афғонистон орқали боғлайдиган темир йўл лойиҳаси юзасидан музокара олиб борганига асосий эътиборини қаратади⁸. Табиийки, бундай дипломатик юришнинг асосий сабаби трансфғон темир йўл лойиҳаларининг геосиёсий жиҳатлари билан узвий боғлиқлигидир.

Ўзбекистон трансфғон транспорт йўналишининг учинчи тури ҳисобланган ҳаво транспорти соҳасида ҳам Афғонистон билан тарихий алоқаларни йўлга қўйди. 2017 йил 29 ноябрь куни Тошкент ва Кобул ўртасида биринчи марта тўғридан-тўғри ҳаво қатнови йўлга қўйилди. Бу воқеа нафақат чуқур рамзий маънога, айти пайтда катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Энди икки мамлакат расмий вакиллари, ишбилармон доиралари, энг асосийси, оддий фуқаролар алоқалари учун қулай имконият яратилди⁹. Айтинан 29 ноябрь куни Афғонистоннинг “Kam Air” авиакомпанияси “Кобул-Тошкент” йўналишида дастлабки рейсни амалга оширди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси маълумотларга кўра, илгари Афғонистондан йўловчилар Тошкентга Истанбул ёки Дубай орқали келарди ва бу 17 соатдан 32 соатгача вақт сарфланишига олиб келарди. Ҳозирда эса Кобулдан Тошкентга тўғридан-тўғри бир ярим соатда етиб келиш имкони яратилди. Қайд этиш керакки, 2019 йил 18 ноябрь санасида Ўзбекистон Транспорт вазирлиги ва Афғонистон Фуқаролик авиацияси бошқармаси ўртасида Мозори Шарифдан Тошкентга доимий авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича битим¹⁰ имзолангани ҳам Ўзбекистоннинг Афғонистон билан ҳаво транспорти йўналишидаги алоқалари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

ХУЛОСА. Ўзбекистон Афғонистон билан транспортнинг барча турлари орқали боғланган ягона давлат. Ўзбекистон томонидан таклиф этилаётган замонавий трансфғон лойиҳалари геосиёсий хусусиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу лойиҳалар ишга тушиши натижасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолари ҳал этилади, афғон халқи доимий иш билан таъминланади, минтақа давлатлари реал наф қўради. “Мозори Шариф-Ҳирот” ва “Мозори Шариф-Кобул-Пешовар” темир йўл лойиҳалари “SWOT” таҳлили шундан далолат бермоқдаки, иккита лойиҳадан “Мозори Шариф-Ҳирот” темир йўл лойиҳасининг истиқболи юқори ўринга эга. Зероки, биринчидан, бу лойиҳанинг бир-бири билан боғланадиган қисмлари (“Ҳайратон-Мозори Шариф” тўлиқ ва “Ҳирот-Хаф” маълум қисми) қуриб битказилган, иккинчидан, бу лойиҳа Ўзбекистонни бир вақтнинг ўзида нафақат Эроннинг Бандар Аббос ва Чобаҳор портларига, балки Покистоннинг Гвадар ва Карачи, Ҳиндистоннинг Мумбай портларига ҳам тўғридан-тўғри олиб чиқади.

⁸ Fozil Mashrab. Uzbekistan Steps up Railway Diplomacy. <https://jamestown.org/program/uzbekistan-steps-up-railway-diplomacy/>

⁹ Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларида янги саҳифа. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-va-af-oniston-munosabatlarida-yangi-sa-ifa-05-12-2017>

¹⁰ Mazar-e-Sharif to Tashkent flights to be launched in December. <https://tashkenttimes.uz/national/4642-mazar-e-sharif-to-tashkent-flights-to-be-launched-in-december>